O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 9 октябрь, № 199 (4352) Сешанба


# ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5-6 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.***



МДҲ мамлакатлари ўзаро иқтисодий, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга. Ташкилотнинг сўнгги саммитларида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш кенгроқ муҳокама қилинадиган масала бўлиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган МДҲ энди халқаро муносабатларнинг янгича асосдаги тамойилларига мослашиши керак.

Шу боис, МДҲни ислоҳ қилиш борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикрдир. Бу ҳамфикрлик ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади. Ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирининг имкониятларини, шароитини яхши билади, синалган ҳамкорлар билан ишлаш эса нисбатан осон. МДҲ мамлакатларининг хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсад ва вазифалари уйғунлиги уларни бир-бирига янада яқинлаштиради.

2006 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Минск саммитида МДҲ Ижроия қўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Давлатлараро ишчи гуруҳи ташкил этиш ва мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса концепцияни тайёрлашнинг бориши кўриб чиқилди.

5 октябрь куни бўлиб ўтган Душанбе саммитида асосий диққат-эътибор МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар режасига қаратилди. Музокаралар якунида президентлар томонидан мазкур икки ҳужжатнинг имзоланиши ушбу олий даражадаги учрашувнинг асосий натижаси бўлди.

Саммит қатнашчилари миграция билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашиб, бу борада ўзаро келишилган сиёсат юритиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, саммитнинг якуний ҳужжатлари орасидан жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига, терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар жой олди.

Журналистлар билан учрашувда музокара самарали бўлгани, очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашига раҳбарлик Қирғизистон Республикасига ўтгани, Россия Федерацияси вакили Сергей Лебедев Ҳамдўстлик Ижроия қўмитаси раиси этиб тайинлангани маълум қилинди.

Душанбеда 6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ҳам бўлиб ўтди.

ЕврАзЭС ва КХШТнинг саммитлари кўпинча бир вақтда ўтказилиши бу икки ташкилотнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Зотан, иқтисодий тараққиёт ва ривожланган интеграцияни хавфсизлик ва барқарорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлаб келади.

2000 йил октябрь ойида тузилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини ташкил этиш жараёни бошлаб юборилган. Учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан божхона тарифларини бирхиллаштириш ҳаракати фаол давом этмоқда. Ҳамжамият фаолиятининг самараси сифатида фуқароларнинг визасиз борди-келди тизими жорий қилингани, олий ўқув юртларига кириш, дипломларни ўзаро тан олиш тартиби яратилиши билан боғлиқ кўплаб ижтимоий қулайликлар мавжуд. Айни пайтда аъзо давлатлар ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 70 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур кўрсаткич муттасил ўсмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Брест шаҳрида ташкил этилган биринчи Евроосиё ўйинларида Ҳамжамият мамлакатларидан 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани, 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани гуманитар ҳамкорлик ривожланаётганидан далолатдир. Шунингдек, ЕврАзЭС ҳузурида тузилган Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, Ҳамжамият суди, Евроосиё банки, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар Ҳамжамият доирасидаги алоқалар қамрови нечоғли кенг эканлигини кўрсатади.

ЕврАзЭСнинг Душанбе саммитида Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини шакллантириш ва сув-энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш концепциялари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Бу борада аъзо давлатларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди.

Президентлар ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт иттифоқини ташкил этиш, аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, транспорт ва коммуникациялар бўйича халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. ЕврАзЭСни ривожлантиришнинг стратегия ва тактикаси юзасидан фикр алмашдилар. Келгусида микроэлектроника, биотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа турдаги машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларини ривожлантириш каби соҳаларда давлатлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг ижросига Евроосиё банки ресурсларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишга келишиб олинди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар, жумладан, Божхона иттифоқининг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи ҳужжатлар, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумий энергетика бозорини тузиш концепциялари, БМТ билан ҳамкорлик, Халқаро авиация қўмитасига ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомини беришга оид қарорлар қабул қилинди.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятининг 2007-2008 йиллардаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Коллектив хавфсизлик кенгаши мазкур ташкилотнинг олий органидир. КХШТ ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади. Президентлар мазкур органларнинг мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар. Ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Сессияда КХШТ доирасида тинчликни сақлаш билан боғлиқ фаолият механизмининг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантириш ҳамда ҳарбий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Саммит якунида тинчликни сақлаш фаолияти, ҳарбий аҳамиятга молик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар, Коллектив тинчликни сақлаш кучлари ва Тинчликни сақлаш операцияларини тайёрлаш бўйича тезкор ишчи гуруҳга оид ҳужжатлар имзоланди.

Мазкур икки саммит ЕврАзЭС ва КХШТни ривожлантириш ва уларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. МДҲнинг Душанбе саммити эса Ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қамраган минтақада интеграция жараёнлари мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

Тошкент — Душанбе — Тошкент.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, САМАРҚАНД ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни бугунги катта меҳнат ғалабангиз — мамлакатимизда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш ва омилкор пахтакорларининг барчага намуна бўлиб, етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олгани барчамизга, бутун халқимизга мамнуният ва ғурур бағишлайди.

Албатта, сизлар эришган бу улкан ғалаба осонлик билан қўлга киритилмагани, унинг замирида ишнинг кўзини биладиган, азму шижоатли деҳқонларимизнинг кечани — кеча, кундузни — кундуз демасдан қилган самарали меҳнати, табиат қийинчиликларини мардона енгиб кўрсатган фидойилик фазилатлари мужассам эканини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни пайтда пахтачилигимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган бундай салмоқли ютуқлар қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар, одамларда ерга, мулкка эгалик туйғуси, ўз иши ва меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси ортиб бораётганини, энг муҳими, уларнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгараётганини амалда яна бир бор намоён этади, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Айниқса, бугунги кунда ҳақиқатан ҳам ўзини ҳал қилувчи куч сифатида кўрсатаётган фермерлик ривожи учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, бу борада сифатли уруғ, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари, замонавий техника воситалари, молиявий ресурслар, бир сўз билан айтганда, моддий-техник таъминот масаласи ўз вақтида ва оқилона ҳал этиб борилгани ана шундай ютуқларга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик соҳасидаги бой тажриба ва илғор агротехнологияларни кенг жорий этиш, йил давомида ишни тўғри ташкил қилиш бундай юксак натижаларнинг асосий омили бўлганини таъкидлаш лозим.

Бугун зафар маррасига етиб келган ҳудудларимизда ҳосилнинг юз фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилгани, айрим фермерлар ўртача ҳосилдорликни 50-56 центнерга етказишга эришгани ҳам бу ҳаракатнинг, том маънода, қишлоқ хўжалигининг тақдири ва истиқболини белгилаб берадиган куч эканини яққол тасдиқлайди.

Сизлар ўз фидокорона меҳнатингиз билан қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бу йилги мавсумни муваффақиятли якунлаб, мамлакатимизнинг янада обод, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Барчангизни қўлга киритган меҳнат ғалабаларингиз билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамиша бор бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ



***Кейинги йилларда Қуйи Амударё воҳасида ҳам пахтачилик соҳасида улкан ўзгаришлар юз берди. Албатта, бу ютуқларнинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, воҳада фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган бўлса, иккинчидан, уларнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун барча хизмат кўрсатиш соҳаларининг такомиллаштирилгани бўлди.***

Қорақалпоғистонлик пахтакорлар жорий йил кўкламида 100 минг гектар майдонга чигит қадаб, уни бехато ундириб олдилар. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли адо этилгани, пировардида, мўл ҳосил яратиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

**23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

***Демократиянинг универсал талаблари ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлардир. Бу — ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, "Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани".***

# МУСТАҚИЛЛИК — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ КАФОЛАТИ

Мустақиллик даврида демократия бўйича тўплаган тажрибаларимиз, демократик тамойилларнинг ҳаётимиздаги аксини кўрмоқчи бўлсак, 16 йил аввалги сайловлар билан мустақиллик йилларидаги сайловларни қиёсласак, ер билан осмончалик фарқ борлигини кўришимиз мумкин. Авваламбор, биз демократик ҳуқуқий давлат барпо этаётганимиз, фуқаролик жамияти асосларини шакллантираётганимизни алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз ким эдигу, ким бўлдик, деган саволга 16 йил аввалги сайловлар билан мустақиллик йилларидаги сайловларни қиёслаш мисолида жавоб топиш мумкин.

Авваламбор, сайлов деганда танлаш имконияти ранг-баранг, хилма-хил, муқобиллик бўлиши тушунилади. Шу маънода, ягона мафкурадан бошқа мафкурага муросасиз бўлган, фақатгина битта ҳукмрон партияга асосланган тузумда, чин маънода, сайлов сўзини қўллашнинг ўзи ножоиз. Эски тузум даврида сайловлар маълум бир қолип ва тартибда, яъни эски замондан қолган усулда ўтказилар, хоҳлайсизми-йўқми, ёқадимиёқмайдими, маъқулми-номаъқулми, ишонасизми-ишонмайсизми, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи «улуғ партиямиз» — КПСС га овоз беришар эди. Эркинлик, ҳурфикрлилик, фикрларнинг хилма-хиллигидан асар ҳам йўқ эди.

Юртимизда истиқлол йилларида сайловларнинг қонунчилик негизи вужудга келтирилди. Халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизими шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди. Жумладан,

(Давоми 2-бетда).

# ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишидаги 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари тўғрисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш, хорижий, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизматлар турларини кўпайтириш, ахборот-

(Давоми 2-бетда).

# «ШЕВРОЛЕ» ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган "General Motors Europe" компанияси президенти Карл Петер Фостер ва "GM Daewoo Auto & Tehnology" компанияси президенти Майкл Гримальди 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Рустам Азимов ва Қувондиқ Санақулов билан учрашди. Музокараларда "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти негизида "Шевроле" автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.***




Музокаралар якунида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти, "General Motors Europe" ҳамда "GM Daewoo Auto & Tehnology" компаниялари раҳбарлари тегишли битимни имзолади.

Ушбу воқеага бағишланган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларига янги қўшма корхонани ташкил этиш мақсадлари ва унинг ишлаб чиқариш қувватини ривожлантириш бўйича истиқболдаги режалар ҳақида маълум қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлардан бирига айланди. Асакада ишлаб чиқарилаётган "Матиз", "Нексия", "Дамас" ва "Ласетти" машиналари юқори сифати ҳамда юксак техник хусусиятлари туфайли кўплаб давлатларда харидоргир. Бу ерда ишлаб чиқариш мунтазам такомиллаштирилиб, замон талабига мувофиқ модернизация қилиб борилмоқда. Энди эса Асакада бир неча русумдаги дунёга машҳур "Шевроле" автомобиллари ҳам ишлаб чиқарилади.

— "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасидир, — деди матбуот анжуманида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Улуғбек Розиқулов.

(Давоми 2-бетда).

**23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

# Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

*— Округ сайлов комиссияларининг ваколатлари нималардан иборат?*

— Округ сайлов комиссияси:

...сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди.

Пул маблағларини участка сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Округ бўйича сайлов якунларини чиқаради ва маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади...

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси).**

*— Сайлов участкалари қандай тузилади?*

— Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги сайлов округларига киради...

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси).**

*— Сайловчилар сиёсий партиялар ва алоҳида номзодларнинг келгуси фаолият дастурлари билан таништириладими?*

— Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

**(«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси).**

...Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади...

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддаси).**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

# МУСТАҚИЛЛИК — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дунёдаги энг ривожланган демократик давлатларда ҳам «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунимизнинг ўхшаши деярли йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида боби сайловларга бағишланди. 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", 1993 йил 28 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" (2003 йил 29 августда янги таҳрири тасдиқланган), 1994 йил 5 майда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", 1998 йил 30 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Мазкур қонунларимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келади. Қонунларимиз доимо умум қабул қилган халқаро нормалар ва қоидаларга мувофиқлаштириб келинаётганлиги ва яқинлаштирилаётганлиги билангина эмас, балки мамлакатимиз халқаро нормаларнинг бажарилишини кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олаётганлиги билан ҳам рўёбга чиқарилмоқда.

Бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддасида "Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, молмулки, табақаси ёки бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарур", деб белгиланган. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси билан ҳамоҳангдир. Шунингдек, мазкур Декларациянинг 21-моддасида ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгалиги, халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим. Бу ирода даврий эга сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги белгиланган.

Сайловларни ўтказишга масъул идора нуқтаи назаридан мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, шунинг гувоҳи бўламизки, Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардаги каби ижро ҳокимиятига тобе бўлмаган, холис ва мустақил тузилма — Марказий сайлов комиссияси ва бошқа тегишли сайлов комиссиялари ташкил этилди ҳамда ҳозирда улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Истиқлол йиллари сайловда муҳим омил бўладиган фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кўп партиявийлик тизими қарор топди. Хусусан, 1991 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, 1992 йил 10 июлда Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партияси (2000 йилда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси билан бирлашган), 1995 йил 18 февралда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, 1995 йил 9 июнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, 1999 йил 4 январда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, 2003 йил 3 декабрда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топди. Конституцияда жамиятимизда кўп партиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 1994, 1999, 2004 йиллардаги Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтказилганлиги билан ажралиб турди.

Ҳозирда мазкур партиялар томонидан сиёсий тажриба орттирилди, энг муҳими, молиявий мустақиллик асослари яратилди, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратига таяниш асосида барча партиялар дастурий вазифаларини амалга оширмоқдалар.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Халқимиз демократик жараёнлар ортга қайтмаслигини, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароити бўлиши тарафдоридир. Буни биз халқимизнинг сайловларда иштироки, фаоллиги даражасини кўрсатувчи рақамларда ҳам кўришимиз мумкин: 1999 йил 5 декабрда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 95,03 фоизи, 2000 йил 9 январдаги сайловда рўйхатга олинган сайловчилар умумий миқдорининг 95,10 фоизи, 2004 йил 26 декабрдаги сайловда эса 85,1 фоиз сайловчилар қатнашди. Мазкур рақамлар ҳам ўзини демократик давлат деб ҳисобловчи айрим мамлакатлар сайловчиларининг ўз давлати тақдирини ҳал қилувчи масалаларда бепарволик билан қатнашиши оқибатида кўрсаткич деярли 60-65 фоиздан ошмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, юртдошларимизнинг фуқаролик позицияси, сиёсий савияси тобора ошиб бораётгани, "Шу юрт меники, унинг тақдири менинг тақдирим", деб ёниб яшаётганидан далолат беради.

Собиқ тузумдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон очиқ демократик жамиятни барпо этиш йўлидан бормоқда. Ўзбекистонда сайловлар очиқ, ошкора, транспарантликка асосланган ҳолда ўтмоқда. Агар мустабид тузум даврида хорижий кузатувчи ва оммавий ахборот воситаларининг сайловни кузатишини тасаввур ҳам қилолмаган бўлсак, ҳозирда бундай халқаро кузатувчилар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1994 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловларда ўн икки мингдан зиёд маҳаллий кузатувчи, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қарийб юз нафар кузатувчи қатнашган бўлса, 2004 йил декабрида 1999 ва 2000 йиллардаги сайловларга нисбатан улар бир неча бор кўпайди. 2004 йил декабрь ойидаги сайловларни 107 та оммавий ахборот воситаси ёритиб борди. Жаҳоннинг 38 мамлакати ва қатор ташкилотлардан 228 нафар хорижий кузатувчи, шу жумладан, МДҲ, ЕХҲТ, ШҲТ кузатувчилар миссиялари қатнашди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш бош мақсад қилиб олиниб, унга асосан инсоннинг бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи қонунчилик жиҳатидан мустаҳкамланиб, мазкур ҳуқуқни амалга ошириш учун ташкилий тадбирлар бажарилди. Жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарти сифатида одамларнинг тафаккури ҳамда ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига мутаносиб бўлиб келмоқда. Кўп партиявийлик негизидаги сайлов шаклланди. Энг муҳими, битта мафкуранинг ҳукмронлиги тугатилди, тизим шаклланди, қонунчилик базаси вужудга келтирилди, кадрлар тайёрланди. Мустақиллик йилларидаги сайловлар жамиятимиз сиёсий маданияти янги даражага кўтарилганини, сайловчиларнинг юксак фаоллиги ва фуқаролик бурчини англашдаги етуклигини намойиш этди.

Эндиги вазифа — ҳар бир сайловчи, у кимга овоз беришидан қатъи назар, аввало, ўз хоҳиш-иродасига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз бериши, сайлов тўғрисидаги қонунларимизда берилган ҳуқуқларни билибгина қолмасдан, уларга тўлақонли амал қилиши ва бунда сайловнинг ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоҳиш-иродасини ифода этиб, муносиб номзодни танлаш имконияти, балки бу — мамлакатнинг яқин келажакдаги тараққиётига муҳим таъсир эканлигини англаши лозим. Зеро, сайловлар ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган мустақил миллатга ярашади.

**Н. САИД-ҚОЗИЕВА,**
**юридик фанлари номзоди.**
**М. МИРАҚУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

# «ШЕВРОЛЕ» ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ




С. ЎРМОНОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Қисқа вақт ичида барча тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлди. "General Motors" жаҳон автобозорида ишончли ҳамкор, автомобиллар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича йирик корхоналардандир. "General Motors"нинг илғор технологияларини сўнгги йилларда Ўзбекистонда тўпланган ишлаб чиқариш тажрибаси билан бирлаштириш, шубҳасиз, юксак натижаларга эришиш имконини беради. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир мавжуд лойиҳаларни кенгайтиришни ўз ичига олган бундай ҳамкорлик мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

"General Motors Europe" президенти К.П. Фостер Ўзбекистон раҳбарига янги йирик қўшма корхонани ташкил этиш жараёнида кўрсатган ҳар томонлама ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этди. "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасининг ташкил этилиши Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. "General Motors" ва Ўзбекистоннинг ресурсларидан фойдаланиш "Шевроле" русумидаги машиналарни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш имконини беради. Қўшма корхона биринчи навбатда учта русумдаги "Шевроле" — йил охиригача 2 мингта "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" машиналарини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Кейинчалик эса бундай русумдаги автомобиллар сони янада кўпайтирилади.

— Келажакда қўлга киритадиган муваффақиятларимизга Асакада катта ишлаб чиқариш қуввати ва юқори малакали кадрларга эга замонавий корхонани ташкил этган ўзбекистонлик автомобилсозлар томонидан асос солинди, — дейди "GM Daewoo Auto & Tehnology" компанияси президенти М. Гримальди. — Янги русумдаги "Шевроле" автомобилларига дунёда талаб катта. Ўзбекистонда қўшма корхонанинг ташкил этилиши Марказий Осиё ва Шарқий Европада ушбу русумдаги автомобиллар бозорини кенгайтириш имконини беради. "General Motors" бу жараёнга ўз тажрибаси ва "ноу-хау"сини жалб этади, бу ерда меҳнат қилаётган мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўяди ва экспертлар ёрдамини тақдим этади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобиллар "Шевроле" талабларига тўлиқ мос келишини кафолатлайди. Бугунги Ўзбекистон — иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётган мамлакат. Бу ўзаро фойдали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, матбуот анжумани иштирокчиларига "GM Ўзбекистон" қўшма корхонаси "General Motors"нинг ишлаб чиқариш, харид қилиш ва етказиб бериш бўйича глобал тизимига киритилиши ҳақида маълум қилинди. Йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқарадиган Асака заводининг қуввати яқин вақт ичида 250 мингтага етказилади. Бундай автомобиллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширади. Бу эса Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ушбу эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Шу куни "Ўзэкспомарказ"да "Шевроле"нинг "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган янги ва замонавий русумдаги автомобилларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йил ҳосили учун қорақалпоғистонлик 5700 дан ортиқ фермер пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномасини имзолаган эди. Ҳозирга қадар уларнинг 5100 дан зиёди шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалади.

Таъкидлаш жоизки, оролбўйи пахтакорлари жорий деҳқончилик йилида давлат қабул пунктларига 185 минг тонна сифатли хом ашё етказиб бердилар. Уюлган хирмонга Амударё, Қанғликўл, Қўнғирот, Шуманай, Кегейли туманлари пахтакорлари муносиб улуш қўшишди. Қўнғирот туманидаги "Мақсуд", Тахтакўпир туманидаги "Тайимбет", Элликқалъа туманидаги "Аъзо бува" каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40 центнердан юқори бўлди.

Қорақалпоғистонлик пахтакорлар шартнома мажбуриятини уддалаган бўлсалар-да, йиғим-терим суръатини пасайтиришаётгани йўқ. Улар ялпи хирмон салмоғини 200 минг тоннадан ошириш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ Ифтихор



**_Мамлакатимизда пахтачилик бўйича йирик вилоятлардан бири — Қашқадарё деҳқонлари давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган шартнома режасини 30 иш кунида бажардилар. Мавжуд 164 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 27 центнердан ҳосил олиниб, 426 минг тонналик улкан хирмон яратилди. Саноат учун қимматбаҳо хом ашёнинг 95 фоизи биринчи навга қабул қилинди._**

# МАРРА — 470 МИНГ ТОННА

Жорий йилда эришилган бу муваффақиятга, айниқса, Касби, Қарши, Миришкор, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Қамаши туманлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Аграр соҳада изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши орқали деҳқонда ерга эгалик ҳиссининг мустаҳкамланиб бораётгани, унинг ўз меҳнати пировард натижаларидан манфаатдорлиги кескин ўсганлиги бу муваффақиятнинг омили бўлди.

2007 йилда пахта ҳосили етиштириш учун вилоят бўйича 16 минг 395 та фермер хўжалиги шартнома тузган эди. Уларнинг асосий қисми ўз сўзининг устидан чиқди. Жумладан, Косон туманидаги «Жавоҳир Суннат» фермер хўжалиги вилоятда энг юқори ҳосилдорликка эришди. Бу жамоада ҳар гектар ердан 82 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қарши туманидаги «Ҳайдаров Азиз», Миришкор туманидаги «Номозов Акбар Азаматович», Муборак туманидаги «Боғи Эрам», «Ҳошимжон Норхол», Чироқчи туманидаги «Ўсаров Эшдавлат Ўсарович», «Маҳматкарим» каби юзлаб фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 50-60 центнерни ташкил этди.

Эътиборлиси, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга бўлган қатъий интилиш, сарф-харажатларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилгани туфайли деҳқоннинг даромади ҳам ошиб бораяпти. Шу йилнинг ўзида 50-60 миллион сўмлаб соф фойда олаётган фермер хўжаликлари сони тобора кўпайиб бораётгани бу йил вилоят бўйича 47 миллиард сўм соф фойда қўлга киритилишини тасдиқлаб турибди.

Қолаверса, ҳали далаларда ҳосил мўл. Шуни ҳисобга олиб, вилоят пахтакорлари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 28 центнердан ошириш, ялпи хирмон салмоғини эса 470 минг тоннага етказиш учун йиғим-терим ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САМАРҚАНДНИНГ ЮКСАК ХИРМОНИ

***Самарқанд вилояти пахтакорлари қабул пунктларига 251 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етказиб бериб, давлатга пахта сотиш бўйича белгиланган шартнома режасини ортиғи билан уддаладилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 25 центнерни ташкил этди. Пайариқ, Иштихон, Нарпай, Пахтачи туманларида бу кўрсаткич 25-30 центнерга етди. Кўплаб фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 40-45 центнердан ошиб кетди.***

Самарқанд пахтачилигининг бугуни кечагидан тубдан фарқ қилади. Буни ўтган йилларда эришилган натижалар яққол исботлаб турибди. Жорий йилдаги меҳнат, ҳаракат, изланиш, интилиш аввалги йиллардагидан янада баракалироқ, янада салоҳиятлироқ бўлди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, деҳқонларнинг ерга, мулкка, бўлган эгалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ва табиийки, фидокорона меҳнат ўз самарасини берди.

Вилоятда пешқадамлик қилаётган Пайариқ тумани пахтакорлари ҳозирга қадар уйган ҳосил 37,5 минг тоннадан ошди. 15 минг гектар майдонда чигитнинг «Омад» ва «Бухоро-102» навини парваришлаган туманнинг мингдан ортиқ фермерлари ва уларга хизмат кўрсатувчи 25 та муқобил машина-трактор парки ишчиларининг ғайрат-шижоати туфайли бор-йўғи 18 иш кунида шартнома режаси уддаланди. Қувонарлиси, ҳосил тўлиқ юқори навларга қабул қилинди.

— Фермерлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз, — дейди «Деҳқонобод» муқобил машина-трактор парки раиси Исмат Қозоқбоев. — Тасаррухимизда 50 га яқин техникамиз бор. Уларнинг барчаси фермерлар хизматида. Абдухалил Ҳимматов, Нортош Чўлиев, Неъмат Жониқулов каби фермерларга ҳар қанча тасаннолар айтса арзийди. Улар дастлабки теримдаёқ гектар ҳосилдорлигини 35-40 центнердан оширдилар.

Пастдарғомлик фермер Элибой Таниев иқлим шароити мураккаб даштликларда деҳқончилик қилади. Яратиб берилган шарт-шароитдан оқилона фойдаланиб, сидқидилдан қилинган меҳнат бесамар кетмади. У етакчилик қилаётган «Имсин момо» фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 51 центнердан ошириб юқори сифатли «оқ олтин» йиғиб-териб олди.

Вилоятда Элибой акадек омилкор фермерлар кўп. Улардан 5680 нафари айни дамгача давлатга пахта сотиш шартнома режасини ўринлатиб бажарди. Ҳали вилоят пахта далаларида ҳосил мўл. Шу боис, вилоят пахтакорлари яна 20 минг тоннадан зиёд хом ашё етказиб беришни мўлжалламоқдалар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўзбекистон судьялари уюшмасининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Унда судьялар, адвокатлар, прокуратура, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

# СУДЬЯЛАР УЮШМАСИ СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси А. Ишметов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган Ўзбекистон судьялар уюшмаси мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидладилар. Судьяларнинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлашда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий институт сифатида шаклланишида уюшманинг ҳам ўз ўрни бор.

Съездда уюшманинг 2002-2007 йиллардаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Таъкидланганидек, уюшма суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий асосларини яратишда, хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноятлар таснифини ўзгартириш, ярашув институтини жорий этиш, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартибини киритишга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Уюшма томонидан халқаро юристлар ҳамжамияти ва хорижий давлатлар судларининг жамоат бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро юристлар иттифоқи, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерациясининг судьялар уюшмалари ҳамда Хитой Халқ Республикасининг юристлар жамияти билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Съездда ташкилий масала кўриб чиқилди. З. Худойқулов уюшма раиси этиб сайланди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳаларда 624,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Бу 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 142,9 фоиз кўп, демакдир.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 4,52 миллионга етган, Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 1,9 миллиондан ортган.

Инвестиция дастури ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши таҳлил қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтириш ҳамда 2008 йил учун тайёрланаётган хорижий инвестициялар дастури таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғи ва миқдорини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан, шунингдек, ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги тафовутларни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Таълим муассасаларидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ўқитувчилари салоҳиятини ушбу соҳанинг тез суръатларда ўзгариб бориш тенденциясини ўзлаштириш ва ўқув жараёнларига татбиқ этиш, шунингдек, масофадан ўқитиш ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ишларни жадаллаштириш борасида тегишли топшириқлар берилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қишлоқ жойларда телекоммуникациялар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ҳамда нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларга эътиборни янада кучайтириш топширилди.

Мажлисда, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида IV Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.***

▼ Биеннале — 2007

Дунёнинг 33 мамлакатидан 156 нафар ижодкор ўз асарлари билан иштирок этган мазкур кўргазма, айтиш керакки, кўплаб янги номларни кашф этди.

Маросимда Тошкент биенналесининг ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус диплом ва сертификатлар билан тақдирландилар. Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар Ўзбекистон, Польша, Швейцария вакилларига насиб этган бўлса, олий мукофотга японийалик рассом лойиқ топилди.

— Шундай нуфузли халқаро кўргазманинг мутлақ ғолиби сифатида ватанимга ёруғ юз билан қайтаётганимдан бахтиёрман, албатта, — дейди Гран-при соҳиби Хиранори Мураи. - Бунинг учун ҳакамлар ҳайъати ва биеннале доирасида ўтказилган барча кўргазмаларга ташриф буюриб, ижодим билан қизиққан ўзбекистонликларга алоҳида миннатдорчилик билдираман.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СУД-ҲУҚУҚ:

# ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилингани алоҳида таъкидланди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.***

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этишга оид жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ёритилишини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Олий хўжалик суди ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов, "Ёшлар" телерадиоканали бош муҳаррири F. Жамолов, Германиянинг Бремен шаҳар суди судьяси Б. Гардхауз ва бошқалар Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқлари ҳимоясини юксак даражада ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини аҳолига теран тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, одамлар қонунларни нечоғли яхши билса, уларнинг амалда таъминланиши кафолати янада ортади. Ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда унинг шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш долзарб масалалардандир. Табиийки, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларининг мазкур йўналишдаги фаолияти, ахборотларнинг холислиги масалалари таҳлил қилинди. Оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, таъсирчан ёндашувларни қўллаш орқали суд-ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисида фуқароларни холис, тўлиқ ва ўз вақтида хабардор қилиб боришга эришиш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Нобель ҳафталиги бошланди



***Кеча Швецияда 106-Нобель ҳафталиги ўз ишини бошлади. Унда физиология ва тиббиёт соҳасида эришган муваффақиятлари билан Нобель мукофотига лойиқ кўрилган олимлар номи ошкор қилинади.***

Анъанага кўра, Нобель қўмитаси сўнгги дақиқаларга қадар номзодлар ҳақидаги маълумотларни сир сақлайди. Яқин кунлар ичида бошқа соҳаларда ҳам мукофот совриндорлари эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Нобель мукофотини қўлга киритган шахс 1,54 миллион доллар миқдоридаги маблағ ва олтин медаль билан тақдирланади. Мукофотларни шу йилнинг 10 декабрида, яъни Нобель вафот этган куни Швеция қироли топширади.

### Резолюцияни қўллаб-қувватлади

***Ироқ Президенти Жалол Талабоний АҚШ Сенати томонидан қабул қилинган резолюцияни қўллаб-қувватлади.***



Мазкур ҳужжатда мамлакатни этник жиҳатдан бир неча қисмга бўлиб чиқиш режаси баён этилган. Бундан ташқари, резолюцияда Ироқ ҳукумати ваколатларини қисқартириб, минтақалар ҳукуматларининг вазифаларини кенгайтириш баён этилган. АҚШ сенаторлари мана шундай йўл билангина мамлакатда авж олаётган зўравонликларга барҳам бериш мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

Бироқ, халқаро кузатувчилар ушбу режа шундоқ ҳам бўлиниб кетиш хавфи арафасида турган мамлакатнинг парчаланиш жараёнини янада тезлаштириб юбориши мумкинлигини башорат қилишмоқда.

### Контрабанда билан шуғулланганини учун

**Афғонистонлик наркобарон Бах Муҳаммад АҚШ суди томонидан 16 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У 2005 йил октябрда Афғонистондан экстрадация қилинган эди. Бу ҳақда «Washington Times» газетаси хабар тарқатди. 51 ёшли Муҳаммад 1999-2005 йиллар давомида Афғонистон ва Покистондан катта микдордаги героин моддасини АҚШга контрабанда қилиш билан шуғулланган.**

### Британиянинг 900 йил олдинги миллиардери



**Буюк Британияда мамлакат тарихида яшаб ўтган 250 нафар энг бой шахслар рўйхати тузиб чиқилди, дея ёзади «The Daily Mail» газетаси. Рейтинг бўйича келиб чиқиши франциялик бўлган Алан Руфус рўйхатнинг биринчи поғонасига лойиқ кўрилди. У бундан 900 йил олдин яшаб ўтган. Унинг бойлиги ҳозирги ўлчовлар билан чамаланганда 81,3 миллиард фунт стерлинг бўлган. Мазкур тарихий ҳужжатнинг йигирманчи ўринидан асли ҳиндистонлик металлургия магнати Лакшми Миттал жой олган. Унинг шахсий жамғармаси 19 миллиард фунт-стерлингни ташкил қилади.**

### Рекорд даражадаги захира

Украинанинг «Нафтогаз» давлат корпорацияси вакили мамлакат газ сақлаш омборларида рекорд даражада зангори олов захираси йиғилганини билдирди. Бу захира мамлакатни бутун қиш мавсумида газ билан таъминлашга етади. Манбада айтилишича, шу йилнинг 1 октябрига қадар 31,2 миллиард кубометр газ жамғарилган. Таъкидлаш жоизки, Украина бир ойда ўртача 4 кубометр газ истеъмол қилади.

### Қуюн таҳдиди



**Хитойга тропик қуюн яқинлашиб келаётгани сабабли миллионлаб аҳоли хавфли ҳудудлардан эвакуация қилинмоқда. Маҳаллий метеорологларнинг огоҳлантиришича, «Кроса» мамлакатнинг шарқий соҳилларига яқинлашмоқда. Бундан олдинроқ «Кроса» Тайванга келиб урилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, икки киши ҳалок бўлди, яна икки киши бедарак йўқолган. 52 киши жароҳатланган. Электр узатиш тармоғида узилишлар аниқланган.**

### Авиакомпания сотилади

Испаниянинг «Spanair» авиакомпаниясини «Marsans» корпорацияси сотиб олмоқчи. Гонсало Паскуаль бир пайтнинг ўзида «Spanair» ва «Marsans»нинг ҳам раҳбаридир. Иккала компаниянинг бирлашишига халақит бермаслиги учун Пасколь «Spanair»даги лавозимидан кетди. Ҳозирча «Spanair»га «Marsans»дан бошқа даъвогар чиққанича йўқ. «Spanair» компаниясининг жами бўлиб 3,6 мингта ходими ва 65 та самолёти бор.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.**

**Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.**




Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:**

| | |
|---|---|
| **"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:** | |
| Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р. | 144-61-08, 132-01-26, 144-29-59 |
| ЛКЦ-0 Тошкент ш. | 50-36-79, 380-40-35 |
| КУ-1 Тўйтепа ш. | 21-306, 21-121,186-57-51 |
| КУ-1 ф-л Ангрен | 2-27-61, 186-57-51 |
| ЛТЦ Бекобод | 2-54-11, 316-97-53 |
| **1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:** | |
| Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. | 135-36-59 |
| КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. | 65-80-43 |
| КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. | 168-72-86 |
| КУ-3 Тўйтепа ш. | 168-48-51 |
| **2-ШМАТБ манзили:** Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй. | 55-2-24-71 |
| КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. | 61-2-23-66 |
| КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. | 25-08-82 |
| КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. | 22-23-81 |
| КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй. | 52-9-24-55 |
| **3-ШМАТБ манзили:** Гулистон ш., Дўстлик қўр. | 27-16-20 |
| КУ Сирдарё ш. | 57-28-98, 57-34-36 |
| КУ Жиззах ш. | 77-05-27, 6-22-07 |
| ЛТЦ-2 Янгиер ш. | 72-30-28, 72-30-24 |
| **4-ШМАТБ манзили:** Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй. | 33-52-60 |
| **5-ШМАТБ манзили:** Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй. | 223-38-37 |
| **6-ШМАТБ манзили:** Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй. | 222-37-07, 222-00-43 |
| КУ Тўрткўл ш. | 532-30-60, ички 1-42 |
| КУ Беруний ш. | 524-30-60, ички 1-38 |
| **7-ШМАТБ манзили:** Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. | 3-59-07 |
| ЛТЦ-16 Денов ш. | 7-37-62 |
| **8-ШМАТБ манзили:** Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй. | 221-02-41 |
| ЛТЦ-15 Ғузор ш. | 55-22-1-67 |
| **9-ШМАТБ манзили:** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй. | 226-36-58, 226-36-33 |
| **10-ШМАТБ манзили:** Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. | 224-75-21 |
| КУ-3 Каттақўрғон ш. | 45-5-24-54 |
| КУ-4 Ғиждувон ш. | 57-2-14-75 |

**Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,**

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**
**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали*

2698/2225



**Газеталар, китоблар, журналлар**

BTL ARZIMEDIA

**BTL ArziMedia**

**Обуна — 2008**

**Тел.: 150-30-50, 133-16-16**

1399R/1477


# МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

***Республика кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиали 2007 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, электрон биржа савдоларида 435,9 миллион сўмлик 81 та мулк объектини сотиб, мулкдорлар сафининг кенгайишига ўз ҳиссасини қўшди.***

Биржаларнинг самарали иш юритишида, маълумки унинг аъзолари, яъни брокерларнинг ўзига хос ўрни бор. Малака ва чуқур билимга эга бўлган ана шу брокерлар мижозлар манфаатини кўзлаб, иш олиб борадилар. Вилоят филиалида эса ошкоралик тамойиллари тўлиқ таъминланган бўлиб, бир вақтда тенг шароитда электрон биржа савдоларида қатнашиш учун барча шароит мавжуд.

Брокерлар савдоларда иштирок этиш, биржа битимларини тузиш ва электрон биржа савдоси листингига киритилган ҳар қандай мулкларни мижоз топшириғига асосан сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Биржа аъзоларига савдоларда қатнашишлари учун махсус компьютерлар ва алоқа тармоқлари ажратилган. Бундан ташқари, брокерларга замонавий техника ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган савдо зали хизмат кўрсатади. Биржа савдосига чиқарилган мулкларни сотувчи имкон қадар қимматроқ, олувчи эса иложи борича арзонроқ баҳода олишга интилади. Талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, савдо жараёнида сотувга қўйилган объектларнинг реал бозор баҳоси шаклланади. Мулкдорларнинг хоҳиши ва харидорнинг эҳтиёжи даражаси савдо жараёнида объектнинг ҳақиқий баҳосини келтириб чиқаради.

Кўчмас мулкни сотиб олишда биржа савдосининг афзаллиги шундаки, сотиб олувчи мижоз номидан шартнома-топшириқ асосида барча вазифаларни брокер амалга оширади ва расмийлаштирилаётган ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлайди. Биржаларда тузилган битимлар ихтиёрий бўлиб, савдолар очиқ, ошкора тарзда ўтказилади.

Биржа савдосида, шунингдек, барча битимлар сотувчи ва харидор талаби, эҳтиёжи асосида амалга оширилади. Шу тарзда, масалан, йилнинг биринчи ярмида фуқаро Гулнора Фармоновага тегишли бўлган, Кармана туманида жойлашган «Кийимлар уйи» биносининг «Машҳура» хусусий фирмаси томонидан юз миллион сўмга, «Навоий дори-дармон» ОАЖга қарашли, Конимех туманида жойлашган 4-дорихона биноси фуқаро Алимардон Раҳимов томонидан олтмиш миллион сўмга харид қилинди.

Шу билан бирга, «Сарибел-Шаруагер» МЧЖга қарашли, Конимех тумани, Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган молхона биноси фуқаро Ўктам Ўринов томонидан 25 миллион 400 минг сўмга, Навоий шаҳридаги «Электрокимё» ЁАЖга қарашли (бошланғич баҳоси қирқ миллион сўм бўлган), йодланган туз ишлаб чиқаришга ихтисослашган ускуна «Навоий кристалл туз» МЧЖ томонидан 51 миллион сўмга харид қилиниши «Биржа» савдоларида талаб ва таклифлар асосида бозор нархларининг ўз-ўзидан шаклланиши, битимлар имзоланишининг ихтиёрийлигини кўрсатади.

Республика Кўчмас мулк биржаси вилоят филиали бундан буён ҳам электрон биржа савдолари орқали мамлакатимиздаги ишбилармон ва тадбиркорларга республикамизнинг турли вилоятларида жойлашган кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган иншоотлар ва бошқа мулкларни топишда доимо кўмак бераверади.

**С. НУРИДДИНОВ,**
**Республика Кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиали директори**


**REQUEST FOR PROPOSALS # RFP/005/07**
**FOR**
**BANKING SERVICES**

UN DP
*Uzbekistan*

**The United Nations Development Programme Office in Uzbekistan requests proposals for banking services for the benefit of the United Nations Organizations in Uzbekistan.**

- Eligible banks may collect the RFP and related documents at UNDP Office in Uzbekistan located at 4, Taras Shevchenko str., Tashkent, 100029, Uzbekistan from 5 October to 15 October 2007 (the date for the closing of collection) on weekdays onlybetween the hours of 10:00 and17:00;
- The RFP is only open to Banks that are registered members of SWIFT. Prospective Banks are required to provide their SWIFT number when collecting the RFP;
- A Pre-Bid Conference will take place on 22 October 2007 at 11:00 hrs at UNDP Office in Uzbekistan;
- Proposals in accordance with RFP must be received no later than 11:00 hrs on 9 November 2007;
- Proposals will be evaluated in accordance with internationally accepted practices. In particular, they will be evaluated on their responsiveness to implementing the requisite banking services;
- The UN reserves the right to accept or reject, in part or whole, any or all of the proposals at anytime without assigning any reason whatsoever;
- The costs of preparing the proposals and of negotiating the contract are not reimbursable by the UN;
- Proposals must be valid for 120 days from the deadline for submission. The UN will make its best effort to select a bank within this period;
- The UN does not bind itself in anyway to select the bank offering the lowest prices.

1487R/1836



PAYNET

***Истеъмолчилар диққатига!***

***PAYNET: Ҳақ икки марта тўланмайди!***

Кейинги йилларда юртимизда илғор информацион технологиялар деярли барча соҳаларни қамраб олмоқда. Айниқса, телекоммуникация хизматлари шиддат билан ривожланиб бораяпти. Мамлакатимизда яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган «Paynet» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузган ҳолда жойларда хусусий корхона ва тадбиркорлар истеъмолчилардан уяли алоқа ва интернет хизматлари учун тезкор тўловларни амалга оширмоқдалар. Лекин кейинги вақтларда «Paynet» хизматлари учун тўловларни қабул қилаётган корхона ва хусусий тадбиркорлар истеъмолчилардан икки маротаба ҳақ олаётгани (масалан: 5000 сўм тўлов учун 300 сўмгача) хусусида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига ишонч телефонлари орқали мурожаатлар кела бошлади. Мазкур ҳолатлар қўмита томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг юқоридаги мурожаатларнинг асосли экани маълум бўлди.

«Paynet» МЧЖ билан тузилган шартномага асосан ҳамкорлик қилаётган хусусий тадбиркорлар истеъмолчилар томонидан тўланадиган сумманинг 2 (икки) фоизи миқдорида ҳақ олиши кўзда тутилган. Ундан ортиқча ҳақ (300 сўмгача) талаб қилинганда истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ишонч телефони (1394715) ёки «Paynet» МЧЖга (1391999) мурожаат қилиши мумкин.

1490R/1834

